

**Жисмоний шахсларга муддатли банк омонатига пул маблағларини Банк мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда қўйиш
бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисида
ОММАВИЙ ЭЛЕКТРОН ОФЕРТА**

Мазкур ҳужжат “Гарант банк” АЖ (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) нинг Омонатчиларга муддатли банк омонатига пул маблағларини Банкнинг мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда қўйиш бўйича Шартнома (кейинги ўринларда “Омонат шартномаси” деб юритилади) тузиш борасидаги расмий электрон таклифи (кейинги ўринларда “Оммавий электрон оферта” деб юритилади) ҳисобланади.

Ушбу Оммавий электрон офертани диққат билан ўқинг ва мазкур оммавий электрон офертанинг барча шартлари билан танишиб чиқинг. Мазкур Оммавий офертани қабул қилиб, жисмоний шахс/Омонатчи Оммавий электрон офертанинг барча шартларига розилигини (уларни қабул қилишини) тасдиқлайди, бу Оммавий электрон оферта шартлари унинг қонуний ҳуқуқларини чекламайди.

Оммавий электрон оферта қабул қилинган ва Омонатчи томонидан Омонат суммаси Банкка киритилган вақтдан бошлаб, Омонат шартномаси тузилган ҳисобланади, Омонат шартлари кучга киради.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. **Пул маблағларини муддатли банк омонатига онлайн тартибда қўйиш хизмати (кейинги ўринларда “Хизмат” деб юритилади)** – бу Омонатчиларга “Garant Bank” электрон дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда масофавий онлайн режимида муддатли банк омонатига ўзбек сўми ёки АҚШ долларида нақд пулсиз маблағларни жойлаштириш имконини берувчи хизмат.

1.2. **“Garant Bank” электрон дастурий мажмуаси (кейинги ўринларда “Илова” деб юритилади)** – бу мобил/электрон қурилмалар учун Банкнинг дастурий маҳсулоти, жисмоний шахслар/Омонатчиларга бир банк (пластик) картасидан бошқасига пул маблағларини онлайн тартибда ўтказиш, шунингдек Пластик картани, Ҳамёни, Талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварағини онлайн тартибда (Интернет тармоғи орқали) бошқариш бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берувчи восита.

1.3. **Омонатчи** – вояга етган ва муомала лаёқатига эга шахс, яъни Офертани қабул қилган Банк иловасида рўйхатдан ўтган фойдаланувчи.

1.4. **Омонат** – Омонатчининг ушбу Офертада белгиланган тартибда ва муддатларда фоизли ёки фоизсиз қайтариш шартларида Банкка қўйган маблағлар.

1.5. **Сўмдаги/хорижий валютадаги банк пластик картаси (кейинги ўринларда “ПК” деб юритилади)** – “Гарант банк” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа банк томонидан чиқарилган, онлайн тартибда ишлайдиган тўлов картаси.

1.6. **Хабарнома учун манзил** – Омонатчининг почта ёки электрон почта манзили, Омонатчининг СМС-хабарнома хизматида, Иловага уланган ва Банкдан электрон хабарлар/билдиришномалар олиш учун бириктирилган мобил телефон рақами.

1.7. **Электрон ҳамён (кейинги ўринларда “Ҳамён” деб юритилади)** – бу “Гарант банк” АЖда Мобил банк иловаси орқали очилган, ўзида нақдсиз пулларни сақлаш ва турли тўловларни амалга ошириш имконини берадиган Омонатчининг электрон ҳисобварағи.

1.8. **Талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварағи** – мазкур Оферта доирасида “Талаб қилиб олингунча омонат ҳисобварағи” шартлари асосида очилган Омонатчининг омонат ҳисобварағи тушунилиб, унда Омонатчининг унинг биринчи талаби бўйича ўтказилган пул маблағлари ҳисоби юритилади. “Гарант банк” АЖда очилган банк пластик карталаридаги маблағлар (электрон пластик жамғарма карталаридаги муддатли ва жамғарма омонатларидан ташқари) талаб қилиб олингунча омонатлар қаторига киради.

1.9. **Омонатчи ҳисобварағи** – Омонатчи томонидан “Гарант банк” АЖда очилган,

у орқали Омонатчи пул маблағларини Омонатга (Омонат ҳисобварағига) қўйиш учун ўтказадиган омонат ҳисобварағи.

1.10. Махфийлик – учинчи шахсларга номаълум бўлган, ҳақиқий ёки потенциал қийматга эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланиш имкони бўлмаган ва томонлар ўз махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўрадиган маълумотларни (тижорат сири, банк сири) ифодалайди.

1.11. Учинчи шахс – ушбу Оммавий электрон оферта ва (ёки) Омонат шартномасининг Томони бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс.

2. РОЗИЛИК БЕРИШ ТАРТИБИ

2.1. Жисмоний шахс томонидан банк Иловасида “Омонатни очиш” тугмасини босиш орқали амаллар бажарилганда, омонатни очиш экранида “Омонатни очиш” тугмасини босиш орқали сиз Банк омонати шартномасини тузиш таклифи шартларига розилик билдирасиз. “Гарант Банк” АЖ мобил иловасидаги тасдиқлаш коди унинг ушбу Оммавий электрон оферта шартларига сўзсиз розилигини билдиради (Офертани қабул қилиш). Қуйида келтирилган шартларга рози бўлмасангиз, унда сиздан Банк иловасидан фойдаланмасликни ва Омонат очиш бўйича ҳаракатларни амалга оширмасликни сўраймиз.

2.2. Агар сиз мазкур шартларга рози бўлмасангиз, омонат очиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилманг.

3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

3.1. Шартноманинг предмети – Омонатчи томонидан Банкка онлайн тартибда мобил банк иловасидан фойдаланган ҳолда Омонатчининг пул маблағларини муддатли банк омонатига (кейинги ўринларда “Омонат” деб юритилади) жойлаштириш, шунингдек Омонатчи томонидан Банк иловасидан фойдаланиш орқали онлайн тарзда ўтказилган пул маблағларини қабул қилиб олиш ва мазкур Омонат шартномасида назарда тутилган шартларда ва тартибда унинг фоизларини тўлаб, омонат суммасини (яъни, Омонат) қайтариш бўйича Банкнинг мажбуриятлари.

4. ОМОНАТ ШАРТЛАРИ

4.1. Омонат номи – “Кунлик”;

4.2. Омонат тури – Онлайн;

4.3. Валюта тури – Ўзбек сўми;

4.4. Омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси – 20 (йигирма) фоиз;

4.5. Омонат муддати – 555 (беш юз эллик беш) кун;

4.6. Омонат шартлари: Омонат нақдсиз шаклда Банкнинг Иловаси орқали қабул қилинади;

4.7. Фоизларни тўлаш – Фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва Омонатчининг талаб қилгунича ҳисобварағига ҳар куни ўтказилади ҳамда Омонатчи уни мустақил равишда тасарруф этиши мумкин;

4.8. Очилган омонатни тўлдириш имконияти – омонат шартномаси тузилган кундан бошлаб 333 (уч юз ўттиз уч) кун ичида мумкин;

4.9. Омонатдан пул маблағларини қисман қайтариш (олиш) – Мавжуд эмас;

4.10. Капитализация – Мавжуд эмас;

4.11. Омонатнинг минимал суммаси – 10 000 (ўн минг) ўзбек сўми;

4.12. Омонатнинг максимал суммаси – Чегараланмаган;

4.13. Омонатни муддатидан олдин ёпиш тартиби:

Омонатчи омонат шартномасини исталган вақтда муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли, омонат шартномасининг амал қилиш муддати давомида ҳисобланган ва тўланган фоизлар ставкаси йиллик 20 (йигирма) фоиз.

5. ОМОНАТ БЎЙИЧА ФОИЗЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Омонат Омонатчининг пластик картаси ёки Банкда очилган шахсий ҳисобварағидаги пул маблағларини Омонат ҳисобварағига ўтказиш йўли билан очилиши ва унинг миқдори тўлдирилиши мумкин. Омонат миқдори бўйича фоизлар Банкка Омонатга пул маблағлари ўтказилган куннинг эртасидан бошлаб, унинг Омонатчига қайтарилишидан ёки бошқа сабабларга кўра Омонатчининг ҳисобварағидан ечиб олинишидан олдинги кунгача ҳисобланади.

5.2. Бутун ой сифатида мазкур ойдаги ҳақиқий календарь кунлари сони (365 кунлик базавий даврга асосан) ҳисобга олинади. Омонатчи ҳисобланган фоизларни ва омонатнинг асосий суммасини асосий омонат муддати тугаганидан куннинг эртасига олиши мумкин.

5.3. Омонат бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланади ва Омонатчининг номига очилган 22400 – “Тўлов учун ҳисобланган фоизлар” субҳисобварағида жамғарилади. Ҳисобланган фоизлар иловада очилган талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказиш йўли билан тўланади. Омонат бўйича ҳисоблаган фоизлар капитализация қилинмайди.

5.4. Фоизларини ҳисоблаш шартлари ва Омонатнинг ҳисобланган фоизлари бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, Банкнинг ички қоидалари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ амалга оширилади.

5.5. Омонат муддати тугагандан сўнг, Омонат (Омонатнинг пул маблағлари ва ҳисобланган фоизлар) Омонатчининг талаб қилиб олингунча онлайн ҳисобварағига ўтказилади, ундан Омонатчи пул маблағларини ПКга ўтказиши мумкин. Бунда, Омонатнинг Омонатчининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағида бўлган даври учун фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

5.6. Омонат ҳисобварағининг музлатиб қўйилиши оқибатида, Омонат ҳисобварағида турган пул маблағлари Банк томонидан фойдаланилмаган давр учун Омонатчига фоизлар ҳисобланмайди ва тўланмайди.

5.7. Агар Омонат ваколатли органларнинг далолатномасига (буйруғига) мувофиқ пул маблағларининг ечиб олиниши туфайли муддатидан олдин ёпилган тақдирда, шу вақтга қадар тўланган фоизлар Омонат суммасидан ушлаб қолинади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Омонатчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. Омонатни мустақил равишда тасарруф етиш ва масофадан бошқариш. Зарурат бўлганда, Банкнинг филиалида ўз ихтиёрига кўра, Омонат бўйича ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлган (белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан) вакилини тайинлаш;

6.1.2. Омонат муддати тугаши билан Омонат суммасини сўмдаги/валютадаги банк пластик картаси ҳисобварағига ўтказиш ёки пул маблағларини мазкур Шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда янги муддатга Омонатга қўйиш;

6.1.3. Ушбу Оферта шартларига мувофиқ максимал 5 (беш) та талаб қилиб олинмайдиган омонатларни очиш.

6.2. Омонатчи қуйидагиларга мажбур:

6.2.1. Омонатга қирим қилиш (очиш) учун омонатчининг ПК ҳисобварағида ёки Банкда очилган ҳисобварағида керакли миқдордаги пул маблағига эга бўлиш;

6.2.2. Омонат шартномасини масофадан туриб тузиш учун мазкур Офертани қабул қилган кунда Банк ҳисобварағига Омонат бўйича пул маблағларининг ўтказилишини таъминлаш;

6.2.3. Омонат бўйича ҳисобварақ очиш учун барча амалиётларни мазкур Шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириш;

6.2.4. Омонатни очиш ёки қайта расмийлаштириш бўйича амалиётларни амалга ошириш вақтида Банкнинг мобил иловасида узилиш ёки техник носозлик рўй берганда,

кисқа муддат ичида Банкка хабар бериш;

6.2.5.ПК ва/ёки Омонат бўйича Банк ҳисобварағида учинчи шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган турли ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш учун, Банк томонидан бериладиган, Мобил банк иловасига кириш ҳуқуқини берадиган “Логин”, “Парол” ва “ПИН” кодларнинг, шунингдек, иловага киришда киритилган паролларнинг ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш, уларни тарқатмаслик ва учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

6.2.6.Омонат билан боғлиқ барча амалиётларни мобил алоқа ёки Интернет орқали учинчи шахсларнинг иштирокисиз ва кузатувисиз амалга ошириш;

6.2.7.Мобил банк иловасидан ўрнатилган мобил/электрон қурилмада зарарли дастурлар ва иловалардан, ҳимояланмаган уланишлардан фойдаланмаслик.

6.2.8.Омонат муддати тугагач, Омонат суммасидаги маблағларни “Гарант Банк” АЖ сўм/валюта пластик картасига ўтказиш;

6.2.9.Мобил телефон рақамини ўзгартирганда/ахборот хизматларига бошқа мобил алоқа рақамларини/телефон рақамини/электрон почта манзилини улаганда, шу жумладан аввалгиларини узганда, 1 (бир) банк иш куни ичида Банкни бу ҳақда хабардор қилиш ва янги мобил телефон рақами/электрон почта манзили ҳақида маълумот тақдим этиш;

6.2.10. Хизматдан ноқонуний мақсадларда фойдаланмаслик;

6.2.11. Банкка мурожаат қилганда миждозлар топшириқномаларини бажариш учун комиссия тўловлари Тарифларига мувофиқ Банк хизматларини кўрсатганлик учун комиссия тўловини тўлашга розилик беради.

6.3. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.3.1.Омонатчи томонидан Омонат бўйича Хизматдан фойдаланган ҳолда Мобил банк иловаси орқали ПКдан пул ўтказиш йўли билан нақд бўлмаган шаклда ўтказилган пул маблағларини нақд пул шаклда берилмаслик;

6.3.2.Омонат, агар Омонат шартномасида белгиланган ва унинг Омонатни сақлаш муддати бўйича шартларида кўрсатилган муддатдан олдин талаб қилиб олинган тақдирда, ҳисобланган фоизлар бўйича фоизларни қайта ҳисоблаш ва омонатнинг асосий суммасидан ушлаб қолиш;

6.3.3.Омонатни сақлаш муддати тугаган куннинг эртаси кунидан кечиктирмай, Омонатчининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағи – 20206 ҳисобварағига асосий омонат суммасини ва ҳисобланган фоизларни ўтказиш;

6.3.4.Омонат (Омонат ҳисобварағи) музлатиб қўйилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Омонат бўйича сарфлаш операцияларини амалга оширишни тўхтатиш;

6.3.5.Омонатнинг музлатилиши натижасида Банкнинг ундаги пул маблағларидан ресурс сифатида фойдаланмаган даври учун, Омонат бўйича фоизлар ҳисобламаслик;

6.3.6.Банк ўзининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра омонатга тақдим қилинган пул маблағларидан ресурс сифатида фойдаланмаган даври учун, Омонат бўйича фоизлар ҳисобламаслик;

6.3.7.Банк, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Омонатчи (Мижоз) борасида тегишли текширувни ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан Омонатчи билан иш муносабатларига киришиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Омонатчининг масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда шубҳали амалиётларни амалга оширганлиги аниқлаган тақдирда, Банк қуйидаги чораларни кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади:

– Омонатчининг амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бергунча мазкур хизматларни тақдим этишни тўхтатиб туриш ва/ёки масофавий хизмат кўрсатишни рад этиш;

– Омонатчининг масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда шубҳали амалиётларни ўтказганлигига шубҳа қилинганда, Омонатчи томонидан бевосита

бажарилаётган амалиётнинг амалга оширилиши жараёнини текшириш учун Омонатчини унинг жойлашган жойи (почта манзили) бўйича ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада (Офертада) кўрсатилган манзили бўйича ўрганиш;

– шубҳали амалиётларни амалга оширишда фойдаланган мазкур хизматларни кўрсатишни 3 (уч) иш куни мобайнида тўхтатиб туриш;

– Агар Омонат ва банк хизматларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштириш мақсадида фойдаланилиши борасида асосли шубҳалар бўлганда, мазкур Омонат шартномасини белгиланган тартибда бекор қилиш.

Масофавий хизматлардан фойдаланаётган Омонатчини унинг жойлашган жойи (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган манзили бўйича текширганда, Банк Омонатчининг (Мижознинг) Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилиги талабларига амал қилаётганлигига алоҳида эътибор қаратади.

6.3.8. Муддатли банк омонати шартномаси шартларини бир томонлама судсиз тартибда Омонатчини огоҳлантирмасдан ижро этишдан қуйидаги ҳолларда воз кечиш:

а) Омонатчи томонидан Муддатли банк омонати шартномаси шартлари бузилса;

б) Шартномавий муносабатлар Омонатчи томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда, терроризмни ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришда фойдаланилаётгани тўғрисида гумон мавжуд бўлса;

д) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, мижозни лозим даражада текшириш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда;

е) Ҳар қандай бошқа ҳолатларда Банкнинг хоҳишига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Оммавий оферта томонидан кўзда тутилган равишда;

6.3.9. Омонат бўйича ҳисоб-китоблар ва фоизларни ҳисоблашда техник носозликлар аниқланган тақдирда, Омонат шартларига мувофиқ қайта ҳисоб-китоб ўтказиш. Ортиқча ҳисобланган ва тўланган пул маблағлари аниқланган тақдирда, Банк Омонатчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ва ҳисобланган ва тўланган фоизлар тарихини тақдим этган ҳолда Омонатнинг қолдиғидан уларни ечиб олиш ҳуқуқига эга.

Омонат ечиб олинганидан кейин техник носозликлар аниқланган тақдирда, Банк Омонатчига тегишли тартибда ўзаро ҳисоб-китобларни ўтказиш тўғрисида асосли ҳисоб-китобларни илова қилган ҳолда ёзма мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

6.4. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

6.4.1. Омонат бўйича шартларни электрон шаклда, Банкнинг қуйидаги веб-сайтида Интернет орқали кўрсатиш: www.garantbank.uz;

6.4.2. Омонатчи томонидан Оммавий оферта тасдиқланганидан (қабул қилинганидан) ва мазкур Омонат шартномаси кучга кирганидан сўнг, пул маблағларини қирим қилиш, шунингдек Омонат бўйича амалиётларни рўйхатдан ўтказиш, автоматик тартибда шахсий ҳисобварақ очиш;

6.4.3. Омонат бўйича фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш, шунингдек, Омонатчининг илк талабидаёқ, пул маблағларини мазкур Омонат шартномаси шартларига мувофиқ омонатчининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағига нақдсиз шаклда қайтариш;

6.4.4. Банк сирини бўлган маълумотларнинг сақланишини таъминлаш, бироқ қонунчиликда белгиланган тартибда учинчи шахсларга маълумотларни узатиш бундан мустасно.

6.4.5. Банк томонидан, Омонатчининг топшириғисиз, кредитлар, микроқарзлар ва лизинг бўйича қарздорликларни сўндириш учун Омонат ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказганда, Банк, бу маблағларни ўтказган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Омонатчига Омонат ҳисобварағидан маблағларни қанча миқдорда, қимга ва нима сабабдан ўтказганлигини кўрсатган ҳолда билдиришнома (хабарнома) юбориши шарт.

6.4.6. Агар Банк томонидан Омонатчининг омонат ҳисобварағи бўйича операциялар тўхтатиб қўйилса, Банк операциялар тўхтатилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, Омонатчига унинг ҳисобварағи бўйича хизмат кўрсатиш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари тўғрисида билдиришнома (хабарнома) юбориши шарт.

6.4.7. Мазкур Офертанинг 6.4.5 ва 6.4.6-бандларида назарда тутилган билдиришномалар (маълумотномалар) Омонатчига шахсан, банк филиалига мурожаат қилганда ёки иловада рўйхатдан ўтганда омонатчи томонидан кўрсатилган мобил телефон рақами/электрон почта орқали етказилиши мумкин. Омонатчи хабарнома (маълумотнома) етказиш усулини банкка шахсан ёки почта орқали ёзма ариза тақдим этиш йўли билан ўзгартириш ҳуқуқига эга. Бунда Омонатчидан қабул қилинган ариза Банк томонидан унинг омонат ҳисобварақлари бўйича алоҳида картотекада сақланади.

7. ОМОНАТЧИНИНГ ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШГА РОЗИЛИК БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1. Омонатчи Банкнинг Мобил иловасида рўйхатдан ўтиш пайтида кўрсатган унинг шахсга доир маълумотлари ишончли эканлигини ва бевосита Омонатчидан олинганлигини тасдиқлайди (улар Омонатчининг шахсий маълумотлари ҳисобланади).

Омонатчи қуйидаги таклифларни қабул қилади ва розиликни билдиради:

- Банк фаолияти (банк маҳсулотлари, акциялар ва бошқа банк хизматлари) тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан рекламани олишга розилигини билдиради;

- Банкка Омонатчига ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда смс/электрон почта/аудио эшиттириш/почта жўнатиш, ахборот-коммуникация хизматлари орқали почта жўнатмаларини, шунингдек бошқа турдаги почта жўнатмалари ва билдиришномаларни жўнатиш имконини беради;

- Давлат персоналлаштириш марказидан олинган шахсий маълумотларини қайта ишлашга ҳамда кредит бюrolари, солиқ органлари уй-жой коммунал хизматлари, уяли алоқа операторлари, процессинг марказлари (Ўзкард, Хумо ва бошқалар) тижорат банклари ва бошқа ташқи манбаалардан шахсий маълумотлардан фойдаланган ҳолда маълумотларни олишга розилигини билдиради, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда: а) почта индексларини код базаси билан автоматик текшириш, Омонатчи маълумотларини аниқлаштириш (почта алоқаси, электрон почта орқали); б) Омонатчининг даврий алоқалари (телефон (шу жумладан мобил алоқа), электрон почта ёки Интернет орқали).

7.2. Ушбу розилик Иштирокчи томонидан унинг Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига асосан шахсий маълумотларини қайта ишлашга берилган ёзма розилиги сифатида эътироф этилади.

7.3. Ушбу билан Омонатчи Банк томонидан Омонатчининг унинг шахсга доир маълумотларини ишлов беришга розилигини билдиради ва ушбу розилик Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига асосан Омонатчи томонидан унинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун ёзма розилиги сифатида тан олинади. Омонатчи реклама олиш ва Омонатчининг шахсий маълумотларини қайта ишлашга берилган ушбу розилик муддатсиз эканлигини ва бу розиликни бекор қилиш учун Банкка ёзма ариза юбориш орқали бекор қилиниши мумкинлигини билади.

7.4. Бекор қилиш санаси банк фаолияти ва (ёки) шахсий маълумотларни қайта ишлаш тўғрисидаги рекламани олишга розиликни бекор қилиш тўғрисидаги ёзма аризани банкка олган кун ҳисобланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлар мазкур Омонат шартномаси шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Омонатчи мазкур Омонат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида унда юзага келадиган ҳар

қандай зарар ёки бошқа салбий оқибатлар учун жавобгар бўлади.

8.3. Омонатчи ҳимояланмаган уланишдан фойдаланиладиган ёки зарарли дастурлар ва иловалар хавф туғдириши мумкин бўлган қурилмада ўз шахсий маълумотларини киритишда уларнинг хавфсизлиги учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

8.4. Банк Омонат шартномаси шартларини лозим даражада бажарилмаганлиги учун агар бундай бажарилмаслик Омонатчи томонидан Омонат шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, жумладан Банк томонидан берилган ва дастурга кириш ҳуқуқини берадиган “Логин”, “Парол” ва “ПИН” кодларнинг ҳимояси ва хавфсизлиги бўйича шартларга амал қилинмаслиги оқибати бўлса жавобгар ҳисобланмайди.

8.5. Банк Омонатчининг мазкур Таклиф/Омонат шартномаси шартлари билан танишмаганлиги ва (ёки) ўз вақтида танишмаганлиги сабабли Омонатчига кўрган зарар учун жавобгар ҳисобланмайди.

8.6. Банк ўзининг назорат доирасида бўлмаган сабаблар туфайли мазкур Омонат шартномаси шартларини лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Банкнинг назорат доираси Илованинг ўзини ишлай олиши қобилияти билан чекланади ва учинчи шахсларнинг айби билан рўй берган ёки давлат органлари ёки суд ҳокимияти томонидан тақиқлар ёки чекловлар қўйилиши билан боғлиқ узилишлар учун жавобгар бўлмайди.

8.7. Омонатчи томонидан олдин Банкдан хабарномалар юборилиши учун бириктирилган мобил алоқа (мобил телефон) рақамининг ёки бошқа алоқа маълумотларининг ўзгартирилганлиги ҳақида Омонатчи томонидан ўз вақтида хабар берилмаган тақдирда, Банк Омонат ҳақидаги маълумотларнинг ошкор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8.8. Томонлар мазкур Омонат Шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу бажармаслик Омонат Шартномаси тузилганидан кейин юзага келган, Томонлар онгли чоралар билан олдиндан кўра олмайдиган ва олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатлар оқибатида юз берган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) оқибати бўлса, Томонлар жавобгарликдан озод этилади.

9. МАХФИЙЛИК

9.1. Тарафлар банк сири, тижорат сири ва иккинчи тарафдан олинган ва (ёки) Омонат шартномаси билан боғлиқ ахборот махфийлигини таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бундай ахборотни учинчи шахсларга узатиш (эълон қилиш ёки Оммавийлаш) ва фақатгина ушбу Оммавий электрон оферта ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тўғридан-тўғри кўзда тутилган ҳоллардагина, ёхуд қолган ҳолларда иккинчи тарафнинг ёзма розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Тарафлар Оммавий электрон оферта ва (ёки) Омонати шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ва (ёки) қисман бажармаганликлари учун, агар бу Оммавий электрон оферта ва (ёки) Омонати шартномаси тузилганидан кейин юзага келган ва Тарафлар мавжуд чоралар билан уларнинг олдини олишнинг имкони бўлмаган энгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида содир бўлган бўлса, жавобгарликдан озод этиладилар.

10.2. Энгиб бўлмас куч оқибати деганда қуйидагилар тушунилади: зилзила, сув тошқини, ёнғин, бошқа табиий офатлар, эпидемиялар, давлат органларининг Оммавий электрон оферта ва (ёки) Омонат шартномаси шартларини бажаришга тўсқинлик қиладиган қарорлари ва ҳарбий ҳаракатлар.

10.3. Кўрсатилган оқибатлар содир бўлган вақтда, энгиб бўлмас куч таъсирига ишора қилувчи Тараф, бу ҳақда иккинчи Тарафни дарҳол ёзма равишда хабардор этиши лозим.

10.4. Агар кўрсатилган оқибатлар уч ойдан ортиқ давом этса, Тарафлар Оммавий

электрон оферта ва (ёки) Омонат шартномаси мажбуриятларини бажаришни иккинчи Тарафни огоҳлантирган ҳолда бир томонлама тўхтатишга ҳақлидир. Бундай ҳолда Омонат шартномаси бажарилмаган қисми бўйича бекор қилинади ва Тарафлар Омонат шартномасининг бажарилган ҳамда бажарилмаган қисмлари бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадilar.

11. МАВЖУД БАНК ОМОНАТЛАРИГА ОММАВИЙ ЭЛЕКТРОН ОФЕРТАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

11.1. Агар Омонатчи ўзи томонидан илгари Банкка худди шундай омонат шартлари билан қўйилган (очилган) Омонатни Банкнинг иловасига улашни ва Омонатни илова орқали бошқаришни хоҳласа, Омонатчи шундай Омонат очилган Банк муассасасига кўрсатилган Омонатни Банкнинг иловасига ўтказиш тўғрисида “Гарант банк” АЖдаги ўз банк реквизитларини кўрсатган ҳолда, ёзма ариза билан мурожаат қилиши керак.

11.2. Бундай ҳолатда, мазкур Омонат шартномаси шартлари Омонатчи томонидан банк иловаси орқали биринчи операция амалга оширилган пайтдан бошлаб Омонатчи томонидан қабул қилинган, яъни унга розилик билдирилган ҳисобланади.

12. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

12.1. Мазкур Шартнома бўйича келиб чиқадиган ҳар қандай низо Омонатчининг ёзма мурожаати асосида тинч йўл билан ҳал қилинади. Мурожаатни кўриб чиқиш муддати ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

12.2. Агар юзага келган низони тинч йўл билан ҳал қилишга эришилмаса, у Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда Банк жойлашган ҳудуддаги тегишли суд идораларида кўриб чиқилади.

13. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

13.1. Ушбу Оммавий оферта ва Муддатли банк омонати шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, ҳар қандай ноқонуний устунлик ёки бошқа имтиёзларни олиш мақсадида, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки вакиллари ушбу шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун, ҳар қандай шахсларга ҳақ тўламайдилар, тўлашни таклиф қилмайдилар ва ҳеч қандай пул маблағлари ёки қимматбаҳо буюмларни тўлашга йўл қўймайдилар.

13.2. Ушбу Оммавий оферта ва Муддатли банк омонати шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки вакиллари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ пора бериш/олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни содир этмайдилар.

13.3. Ушбу Оммавий оферта ва Муддатли банк омонати шартноманинг Томонларидан ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини бирон-бир тарзда рағбатлантиришдан бош тортади, шу жумладан уларга пул суммалари, совғалар, уларнинг номига ишларни (хизматларни) беғараз равишда бажариш ва бошқа усуллар билан, ходимни маълум қарамликка қўйиб қўядиган ва ушбу ходим томонидан уни рағбатлантирувчи томоннинг фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишга йўналтирилган рағбатлантиришдан бош тортади.

13.4. Агар бирон-бир Томон коррупцияга қарши бирор шарт бузилган ёки содир бўлиши мумкин бўлган гумон юзага келган тақдирда, тегишли Томон ёзма шаклда ёки оғзаки равишда ишонч телефонлари орқали бошқа Томонга хабар беради.

13.5. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

13.6. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

14. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НОРЕЗИДЕНТИ БЎЛГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ

14.1. Омонатчи - Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахсга (жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ тўловчилари) Омонат бўйича фоизларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган солиқ ставка бўйича Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолинганидан кейин амалга оширилади.

Омонат муддатидан олдин қайтарилган тақдирда Омонатчига - Ўзбекистон Республикасининг солиқ норезидентига олдиндан тўланган фоизлар Омонатнинг асосий суммасидан ушлаб қолинади ҳамда ушлаб қолинган солиқ қайтарилмайди.

14.2. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмаслик учун, омонатчи хорижий жисмоний шахс унинг номига расмийлаштирилган норезидентнинг солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатини олдиндан яъни Муддатли банк омонати шартномаси тузилган пайтдан бошлаб Омонат муддати мобайнида омонат бўйича фоизларни тўлаш санасидан олдин Банкка келган ҳолда тақдим қилиши лозим (жисмоний шахснинг солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси солиқ резиденти деб норезидент эътироф этилади).

15. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур Омонат Шартномасида кўзда тутилмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

15.2. Мазкур Оммавий электрон офертага розилик бериш билан, Омонатчи Омонат шартномасининг барча шартларига ўзининг сўзсиз розилигини тасдиқлайди ва мазкур Омонат шартномаси пул маблағлари Омонат бўйича шахсий ҳисобвараққа нақдсиз йўл билан келиб тушган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

15.3. Омонатларнинг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 18 февралдаги ЎР -1031-сон “Банклардаги омонатларни қимоя қилиш кафолатлари тўғрисида” қонунининг 26-моддасига кўра, бир банкда бир омонатчига тўланадиган компенсация кафолатлаш объекти қолдиқининг икки юз миллион сўм ёки ундан кам бўлса тўлиқ ажмини, агар кафолатлаш объектининг қолдиқи икки юз миллион сўмдан кўп бўлса фақат икки юз миллион сўмни ташкил этади.

15.4. Мазкур Омонат Шартномаси Омонат ёпилганидан ва Омонатга қўйилган пул маблағлари мазкур Омонат шартномаси шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизлар билан бирга Омонатчининг сўмдаги/валютадаги банк пластик картасига тўлаб берилганидан кейин ўз юридик кучини йўқотади.

15.5. Оммавий электрон оферта ва Омонат шартномасини тузишда тарафлар Оммавий электрон оферта ва Омонат шартномасининг амал қилиш муддати давомида ва шу муддатдан кейин коррупцион ҳаракатларни содир этмасликка рози бўладилар.